

Хитой кимё саноатидаги саноат роботлари сони бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллади

// 25.07.2025

<https://uzkmyosanoat.uz/uz/press/news/hitoy-kimyo-sanoatidagi-sanoat-robotlari-soni-buyicha-dunyod>



2023-йил якуни бўйича Хитойнинг кимё саноати корхоналарида 66,1 мингта саноат роботи ишлаган. Бу кўрсаткич бўйича мамлакат дунёда биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринда АҚШ (29,8 мингта), учинчи ўринда эса Германия (22,9 мингта) жойлашган.

Хитойнинг етакчи ўринни эгаллашига давлатнинг бу соҳага катта эътибор қаратаётгани сабаб бўлмоқда. Хусусан, кимё саноати корхоналари робототехника ривожланиши бўйича режада асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Эътиборлиси шундаки, етакчи 15 давлатдан 10 таси — Европа Иттифоқи аъзолари ва Буюк Британия ҳисобланади. Аммо Франция, Германия, Австрия ва Испания каби мамлакатларда янги роботлар ўрнатилиши суръати пасаймоқда. Бу ҳолат ички талабнинг камайиши, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши ва электр энергияси нархининг юқорилиги билан боғлиқ.

“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати